

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ
БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

НАЗАРОВ САРДОР ХАСАНОВИЧ

**Й.В.ГЁТЕ “ФАУСТ” АСАРИНИНГ ТУРКИЙ ТИЛЛАРДАГИ
ТАРЖИМАЛАРИДА ТАСВИРИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ
ИФОДАЛАНИШИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Contents of dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD) in
philological sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

Назаров Сардор Хасанович

Й.В.Гёте “Фауст” асарининг туркий тиллардаги таржималарида тасвирий
воситаларнинг ифодаланиши.....3

Назаров Сардор Хасанович

Expression of figurative means in translations of J.V. Goethe’s work "Faust" into
Turkic languages.....25

Назаров Сардор Хасанович

Выражение образных средств в переводах на тюркские языки произведения
«Фауст» И. В. Гёте.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works53

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ
БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

НАЗАРОВ САРДОР ХАСАНОВИЧ

**Й.В.ГЁТЕ “ФАУСТ” АСАРИНИНГ ТУРКИЙ ТИЛЛАРДАГИ
ТАРЖИМАЛАРИДА ТАСВИРИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ
ИФОДАЛАНИШИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Fil1157 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Андижон давлат университети веб-саҳифасининг www.adu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шахабиддинова Шохида Хошимовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Набиева Дилора Абдулхамидовна
филология фанлари доктори, профессор

Эргашева Гули Исмоил кизи
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация химояси Андижон давлат университети ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «10» сентябрь соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129 уй. Тел: 0(374) 223-88-14; факс: 0(374) 223-88-30; e-mail: agsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (82 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100 Андижон шаҳар, Университет кўчаси, 129 уй. Тел: 0 (374) 223-88-14.

Диссертация автореферати 2021 йил «29» сентябрь кuni тарқатилди.
(2021 йил « » даги рақамли реестр баённомаси).



Н.М.Улуков

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Ф.Ф.Усманов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.ф.б.ф.д.

М.И.Умарходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мамлакатлари ўртасида кечаётган кенг ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий муносабатлар, фан-техника тараққиёти, миллатлараро муносабатлар, умуман, глобаллашув жараёнлари жамият ва тилга ўз таъсирини ўтказиб, ихтиёрий ва беихтиёр трансформацияга сабаб бўлмоқда. Шу жиҳатдан жаҳон таржимашунослигида тилшуносликнинг аҳамияти, бўлажак таржимонлар ижодида кузатиладиган тасвирий воситаларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунё адабиётшунослигида Й.В.Гётенинг “Фауст” асарини ўрганишга бўлган қизиқиш кундан-кунга ортиб бораётганлиги, янги нашрлар ва таржималарнинг эълон қилинаётганлиги мазкур мавзуда махсус тадқиқотлар олиб боришни кун тартибига қўймоқда. Бу соҳада амалга оширилаётган хайрли ишларнинг ютуқ ва камчиликларини таҳлил этиш, эришилган натижаларнинг аҳамиятини ёритиш ҳамда йўл қўйилган нуқсонларни бартараф этиш бўйича таклифларни тавсия қилиш, халқимизнинг ушбу улуг асарни бўлғувси таржимонлар учун ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлиши, табиий, деб ҳисоблаймиз. Дунё таржимашунослигида “Фауст” асарини ўрганиш ишлари туркий тилли таржимонлар томонидан, асосан, XIX асрдан бошланган бўлиб, мавжуд тадқиқотлар тилшунослик, матн ва манбашунослик, адабиётшунослик ҳамда сиёсатшунослик йўналишларида олиб борилганлиги билан характерланади. Айни пайтда бундай асарларни жаҳоннинг турли тилларида амалга оширилган нашрларига тегишли баҳо бериш масаласи бугунги таржимашунослик фани олдида ҳам муҳим вазифаларни қўймоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш долзарб вазифалардан биридир»¹. Бу борада тилшуносликда кўптиллик вазиятида тасвирий воситалар қўлланишининг лингвокультурологик хусусиятларини немис ва туркий тиллар мисолида қиёсий аспектда илмий тадқиқ этиш, ўзбек тили луғат бойлигини янги унсурлар билан бойитиш, меъёрсиз ўзлашмаларнинг нутққа кириб келиши ва катта қўлланиш частотасига бағишланган тадқиқотлар кўламини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4997-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6084-сон Фармони // https://lex.uz/search/nat?form_id=3973&actnum=6084

ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сон «Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мавзуга доир илмий адабиётларни ўрганиш асносида тасвирий воситалар бир неча хил илмий йўналишларда тадқиқ этилганлиги аниқланди. Бизнингча, ўрганилаётган муаммога доир илмий адабиётлар ва тадқиқотларни уларда қўйилган масаланинг характери, ишнинг мақсади ва мавзуга ёндашиш тамойилларидан келиб чиққан ҳолда қуйидагича гуруҳлаштириш мақсадга мувофиқдир:

1. Тасвирий воситаларнинг таржимада берилишига бағишланган илмий асарлар ва назарий тадқиқотлар: Ф.Гюттенгер, 1963²; Д.Фаулзайт, Г.Куен, 1969³; М.Э.Умархўжаев, 1971⁴; А.Д.Швейцер, 1971⁵; Ғ.Саломов, 1978⁶; У.Башкан, 1978⁷; Г.Р.Гачечиладзе, 1980⁸; Э.Г.Ризель, 1985⁹; П.Агорохов, 2002¹⁰; С.М.Мезенин, 2002¹¹; И.В.Арнольд, 2004¹² ва бошқалар.

2. Махсус диссертацион тадқиқотлар: Я.Эгамова, С.Жабборов, Р.Абдуллаева, У.Сатимов, Ў.Нурматов, З.Содиқов, З.Жуманиёзов, Г.Қобилжонова, Ш.Исакова, М.Бакаева ва Н.Досбоева.¹³

² Güttinger, Fritz. Zielsprache, Theorie und Technik des Übersetzens. – Zürich: Manesse Verlag, 1963.

³ Faulseit D., Kühn G. Stilistische Mittel und Möglichkeiten der deutschen Sprache. – Leipzig, 1969.

⁴ Умархўжаев М.Э. Typologismen und übersetzungswissenschaftliche Aspekte bei der kontrastiven Analyse von Phraseologismen. Wissenschaftliche Arbeitstagung zu Ehren des 150. Geburtstages von August Schleicher. – Jena, 1971.

⁵ Швейцер А.Д. Семантико-стилистические и прагматические аспекты перевода // Ин. яз. в школе. 1971. №3.

⁶ Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1978.

⁷ Başkan, Ö. Dilde çeviri işlemi. Türk Dili Aylık Dil ve Yazın Dergisi, 1978.

⁸ Гачечиладзе Г.Р. Художественный перевод и литературные взаимосвязи. – М.: Советский писатель, 1980.

⁹ Riesel E., Schendels E. Deutsche Stilistik. – Moskau, 1985.

¹⁰ Горохов П.А. Трагедия И.В. Гёте «Фауст»: опыт философского комментария. – Оренбург: Изд-во ОГУ, 2002.

¹¹ Мезенин С.М. Образные средства языка (на примере произведений Шекспира). – Тюмень, 2002.

¹² Арнольд И.В. Стилистика. Современный английский язык. – М., 2004.

¹³ Эгамова Я. Асл нусхадаги қаҳрамонлар образини таржимада қайта яратиш масалалари. фил. фанлари номзод... дисс. – Т., 1974; Нурматов У. Трагедии Шиллера на узбекском языке. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Т., 1985; Абдуллаева Р. Шиллер и узбекская литература. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Т., 1986; Жабборов С. Гётенинг «Ғарбу шарқ девони». Матн. Талқин. Таржима. Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Т., 1995; Исакова Ш.И. Бадий таржимада миллийлик ва тарихийликнинг акс эттирилиши (Ойбекнинг «Навой» романи французча таржимаси мисолида). Филол. фан. номз... – Тошкент, 2004;

3. «Фауст» асарининг туркий тилларга қилинган таржималари (М.Максуд, Медубай Қўрбанов, Аҳмад Жамил, Т.Матмуратов, Эркин Воҳидов, Али Чанкирили, Пошо Али Усмон)¹⁴.

Қайд этилган манбалар тасвирий воситалар назарияси ҳамда бадиий талқинларни ўрганишда муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга, албатта. Лекин шу пайтгача «Фауст» асари туркий тилларга таржималари асосида тасвирий воситаларнинг берилиши масаласи ўзбек таржимашунослигида алоҳида тадқиқот объекти бўлган эмас. Бинобарин, бу немис ва туркий тиллар таржимашунослиги ва қиёсий стилистикасининг долзарб масалаларидан бири саналади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Хорижий адабиётшунослик, қиёсий стилистика ва тилшуносликнинг долзарб муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Й.В.Гёте «Фауст» асарининг туркий тилларига таржималарини қиёсий ҳамда чоғиштира таҳлил қилиш орқали уларнинг аслиятга муқобиллик даражасини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

немис ва ўзбек тилларидаги тасвирий воситаларни бадиий таржимада қайта гавдалантиришнинг ҳозиргача мавжуд назарий ва амалий тажрибаларини умумлаштириб, бу борада амал қилиниши лозим бўлган муайян қонуниятлар тизимини ишлаб чиқиш;

немис ва ўзбек тилларидаги тасвирий воситалар таржимасининг прагматик томонини ўрганиш;

«Фауст» асарининг туркий тилларга таржималарини ўрганиш орқали аслият нусхаларни қиёсий лингвистик таҳлилинини ўтказиш, асар мазмунини китобхонларга етарлича тақдим этган таржиманинг сифатини кўрсатиш;

туркий тилли таржимонларининг ютуқлари ва камчиликларини таҳлил қилиш, аслият ва унинг таржималари материаллари бўйича «Фауст» асарининг туркий тилларга таржималари ҳамда таржимонлар маҳоратининг қиёсий тавсифини бериш;

Бақоева М.Қ. Англия, АҚШ адабиётидан ўзбек тилига шеърин таржима ва қиёсий шеършунослик муаммолари. Филол. фан. докт... дисс. – Т., 2004; Содиков З. Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» асарининг немисча ва инглизча таржималари қиёсий-чоғиштира таҳлили. Филология фанлари Доктори (DSc) диссертацияси. – Т., 2020; Жуманиёзов З.О. «Равшан» достони немисча таржималарида миллийликни қайта яратиш. Филол. фан. номз... дисс. – Урганч, 2008; Қобилжоннова Г.К. Метафоранинг системавий лингвистик таҳлили. Филол. фан. номз... дисс. – Т., 2000; Досбоева Н.Т. Бевосита таржимада бадиий услубни қайта тиклаш (Америка ҳикоялари таржимаси мисолида). Филол. фан номз... дисс. автореф. – Т., 2011.

¹⁴ Гёте. Фауст / Таржимон Медубай Қўрбанов. – Алмата: Жазуши, 1969.

Гёте. Фауст / Таржимон Аҳмад Жамил. – Боку: Озарбайжан, 1970.

Гёте. Фауст / Таржимон Т.Матмуратов. – Нукус: Аму-Дарё, 1974.

Гёте. Фауст / Таржимон Эркин Воҳидов. – Тошкент, 1985.

Гёте. Фауст / Таржимон Пошо Али Усмон. – Тошкент, 1985.

Гёте. Фауст / Таржимон İclal Cancogel. – Истанбул: Антик дунё класиклери, 2009.

шеърӣй таржима ҳақида тўлиқ, зарур маълумотларни тақдим этиш, унинг муаммоларини аниқлаш ва немис шеъриятининг туркий тилларга бадиий таржимаси мазмунини амалий ривожлантириш;

«Фауст» асари матнларидаги ҳар хил турдаги бадиий қисмларни туркий тилларга таржима қилишнинг стилистик фарқларини аниқлаш;

мавжуд таржималарнинг ютуқ ва камчиликларини ҳисобга олган ҳолда улардаги тажрибалардан асарнинг келгусидаги янада мукаммал таржима нашрларини амалга ошириш учун назарий ҳамда амалий тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объектини Й.В.Гёте «Фауст» асарининг туркий тиллардаги таржима нашрлари ва тадқиқотлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини Й.В.Гёте «Фауст» асарининг туркий тилларга таржима қилиш масалалари, хусусан, немис ва туркий тиллардаги тасвирий воситаларнинг услубий ҳамда таржимада қайта ифодаланиш хусусиятлари таҳлили ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда аслият ва таржимани ҳамда бир-бирини тўлдирувчи параллел матнларни таққослаш, таснифлаш (классификация) усули, статистик таҳлил, қиёсий типологик усул, аналогия, қиёсий поэтика ҳамда шеърӣй матн таҳлили каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Й.В.Гёте «Фауст» асарининг туркий тилларида таржима қилиш асосида ётадиган таржиманинг асосий тамойиллари бўлган шакл ва мазмун муносабати, таржимада асл матнга хос бўлган қисм ва бутун ўртасидаги муносабатларни сақлаб қолиш зарурлиги исботланган;

поэтик тасвирий воситалар таржимада сўзма-сўз бериш, тасвирий воситаларни муқобили орқали бериш, муайян тасвирий воситани таржимада тушириб қолдириш каби уч усул орқали шаклланиши далилланган;

«Фауст» асарининг туркий тиллардаги таржималари миллий-маданий хусусиятга эга сўз ва ибораларнинг немисча-ўзбекча изоҳлари таржима ҳамда таржимашунослик луғатларини бойитиши асосланган;

муайян бадиий асарнинг немис ва туркий тилларидаги матнларида мавжуд бўлган поэтик тасвирий воситалар қиёсланиб таржимон маҳорати аниқланган ва тасвирий воситаларнинг тилдан тилга берилиши билан боғлиқ муаммолар далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Й.В.Гётенинг «Фауст» асарида қўлланган метафора, аллегория, эпитет, ўхшатиш каби тасвирий воситаларнинг услубий хусусиятлари аниқланиб, уларни таржимада услубий қайта яратиш масаласи очиб берилган;

немис ва туркий тилларда тасвирий воситаларнинг таржимада қайта ифодаланиши аҳамияти даражаси аниқланган;

“Фауст” асари туркий тиллардаги таржималарининг аслиятга нисбатан муқобиллигининг монографик тарздаги таснифи, аслият ва таржималарнинг қиёсий таҳлили ва талқинига оид тўпланган материаллар, қўйилган муаммони тадқиқ этиш натижасида чиқарилган хулоса ва умумлаштирилган

фикрлар таржимонлар учун она тилига ўгиришда муҳим амалий қўлланма бўлиши исботлаб берилган;

Мавзу доирасида “Фауст” ва унинг туркий тиллардаги таржималари бўйича жаҳон туркшунослигидаги тадқиқотларнинг хронологик библиографик кўрсаткичи ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференцияларда қилинган маърузалар, илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулосалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Й.В.Гётенинг «Фауст» асарида қўлланилган тасвирий воситалар туркий тиллардаги таржималари таҳлили назарий хулосаларидан тилшунослик, таржимашунослик, стилистика ҳамда маданиятлараро мулоқот йўналишларидаги ишларда манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан «Қиёсий стилистика ва таржимашунослик», «Тили ўрганилаётган мамлакатлар адабиёти тарихи», «Қиёсий адабиётшунослик», «Адабий алоқалар», «Маданиятлараро мулоқот» «Туркий тиллар тарихи ва адабиёти» фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш, маъруза ва семинар машғулотларини олиб бориш, битирув малакавий ва магистрлик ишларини бажариш, шунингдек, немис тили ва адабиёти йўналишида таълим олаётган талабалар, ўқитувчилар фойдаланишлари учун немис адабиётига оид янги ўқув материаллари, мавзуга оид рисола, ўқув қўлланмалари ёзишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кўптиллилиқ вазиятида тасвирий воситалар таржимасининг структур-семантик, функционал ва лингвокультурологик жиҳатлари тадқиқи юзасидан эришилган илмий натижалар асосида:

“Фауст” асари туркий тиллардаги таржималари ўзининг илмий аниқлиги, ижтимоий-интеллектуал ва муайян бадиийлик жиҳатидан аслиятга эквивалент бўла олишига оид натижалар Тошкент давлат педагогика университетида 2015-2017 йилларда бажарилган А-1-197 рақамли «Инглиз ва немис тилларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий модуллардан (ЎУМ) фойдаланиш ва уларни такомиллаштиришнинг назарий ва амалий асослари» номли грант доирасида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 25 августдаги 89-03-2939-сон маълумотномаси). Натижада тасвирий воситаларнинг она тилидан чет тилга, чет тилдан она тилига таржималарни амалга ошириш масаласининг назарий талқини мукаммаллашган;

тажриба-синов ишларини олиб бориш жараёни натижалари асосида тасвирий воситалар бадиий таржимада қайта ифодаланишининг ҳозиргача мавжуд назарий ва амалий тажрибалари умумлаштирилиб, бу борада амал қилиниши лозим бўлган муайян таклиф ва тавсиялар ҳамда ғоялардан Тошкент давлат аграр университетида 2018-2019 йилларда бажарилган «Марказий Осиёда касбий таълимни ривожлантириш» номли грант доирасида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 декабрдаги 89-03-1970 сонли маълумотномаси). Натижада, тадқиқот материаллари замонавий таржимашуносликнинг долзарб муаммолари ва таҳлил методларини батафсилроқ ўрганишга замин яратган;

Й.В.Гётенинг «Фауст» асари поэтикасини ўзбек тилида қайта яратиш ва асардаги тасвирий воситаларни ўзбек тилига таржима қилиш усулларига оид натижалари 2015-2016 йилларда Германиянинг Фрайбург педагогика университети, Олма-Ота номидаги Қозоғистон миллий педагогика университети, Озарбайжон чет тиллар университети ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогик университетлари ўзаро лойиҳаси асосида ўтказилган “DaF in den Ländern Zentralasiens und des Kaukasus” мавзусидаги илмий-амалий семинарларни тайёрлашда фойдаланилган (Германиянинг Фрайбург педагогика университетининг 2016 йил 04 октябрдаги маълумотномаси). Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши анжуман кун тартибидан жой олган таржимашуносликнинг устувор тенденциялари, йўналишлари ва ривожланиш тамойилларига оид масалаларни ҳал этишда зарурий материал бўлганлигидан далолат беради. Натижада «Фауст» асари ўзбекча таржималари ўзбек-немис адабий алоқаларини мустаҳкамланиши ва янада тараққий этиб боришига хизмат қилган;

муайян бадиий асарнинг немис ва туркий тилларидаги матнларида мавжуд бўлган поэтик тасвирий воситалар қиёсланиб таржимон маҳорати юзасидан олинган хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O‘zbekiston 24» телерадиоканалида эфирга узатилган «Жаҳон адабиёти» эшиттиришининг 2019 йил 22 сентябрь, «FM Меридиан» эшиттиришининг 2019 йил 8 октябрь кунларидаги сонида тадқиқотга тортилган дунё адабиёти асарларининг ўзбек тилига таржималари таҳлилий фикрлар ва назарий хулосаларидан фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2019 йил 20 декабрдаги 03-09-1355-сони маълумотномаси). Натижада немис тилидан ўзбек тилига бевосита ва билвосита таржималарни баҳолаш, тушуниш ва қайси йўналишга мансуб эканини аниқлаш масалалари соддалашган;

Й.В.Гётенинг «Фауст» асари таржималарига бағишланган таҳлилий фикрлар ва назарий хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O‘zbekiston» телерадиоканали ДУК томонидан тайёрланган «Ассалом, Ўзбекистон!», «Тилга эътибор – миллатга эътибор» адабий-бадиий, маънавий-маърифий кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2019 йил 25

декабрдаги 02-40-2726-сони маълумотномаси). Натижада кўрсатувларда кўтарилган адабий масалаларнинг илмий асоси таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташқари 145 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Й.В.Гётенинг «Фауст» асари яратилиши ва таржималари хусусида”** деб номланган биринчи бобида жаҳон ва ўзбек адабиётшунослиги, тилшунослиги ҳамда таржимачиликда “Фауст” асарини ўрганиш долзарблиги ёритилган.

Ушбу бобнинг биринчи фасли “Фауст” асарининг ёзилиш тарихи ва талқини” деб номланиб, унда “Фауст” асарини жаҳон адабиётига тутган ўрни далиллар асосида ўрганиб чиқилди. Ғарб ва шарқ, хусусан немис ва туркий тилли давлатлар адабий алоқаларини ўрганиш кечиктириб бўлмайдиган масалалардан бири эканлиги исботланди.

Й.В.Гётенинг «Фауст» асари бир қарашда кўп ўрганилган асарлар сирасига киради. «Фауст» асари яратилиш тарихи ва талқини фаслини тадқиқ қилиш орқали китобхонлар ва бўлажак тадқиқотчиларда асар ҳақидаги тасаввурлар пайдо бўлиши ёритиб берилди. «Фауст» асарининг жаҳон адабиётига кириб бориши ва таржималари тарихини давраштиришнинг биринчи даврини асар аслиятидан дунёнинг турли нукталарида нусхалар кўчириш ҳамда уни таржима қилишга уруниш даври, иккинчисини асар турли миллат ва маданиятларни шаклланиши учун илмий таҳлил қилиш ва илмий-филологик таржималар яратиш даври ва ниҳоят учинчи даврини асарни адабий-эстетик мақсадларда ўрганиш ҳамда унинг таржималарини яратиш даври сифатида баҳолаш мумкин.

Ушбу фаслнинг иккинчи қисми “Фауст” асарининг туркий тилларда таржималари ва таржимачилик тараққиёти деб номланган бўлиб, унда, “Фауст” асари туркий (ўзбек, қорақалпоқ, озарбайжон, қозоқ) тилларга асосан воситачи тил, яъни рус тили орқали таржима қилинганлиги ўрганилди.

Й.В.Гётенинг «Фауст» асарини дунё тилларига қайта-қайта таржима қилинишининг муҳим сабаби – бу асарнинг жаҳон адабиётида ўзига хос жанр ҳисобланиши ҳамда ушбу асар бевосита халқларнинг маънавий ҳаётидаги таъсири муҳим аҳамиятга эга эканлигидир.

Масаланинг тарихини ўрганиш жараёни бу борада қилинган асосий номзодлик ва докторлик ишлари билан танишиб чиқишни тақозо этади. Ўзбек таржимашунослигида тадқиқотчилар таржимада қиёсий-услубий муаммоларни ўрганишда асосий эътиборни тасвирий воситалар, фразеологик иборалар, реалиялар, мақол ва маталларга қаратганлар. Мисол тариқасида Я.Эгамова, С.Жабборов, Р.Абдуллаева, У.Сатимов, Ў.Нурматов, З.Содиқов, З.Жуманиёзов, Г.Қобилжонова, Ш.Исакова, М.Бакаева ва Н.Досбоевнинг ишларини эслаб ўтиш ўринлидир.¹⁵ Й.В.Гётенинг «Фауст» асарини илмий иш сифатида илк бора Олимбой Оллоберганов¹⁶ томонидан ўрганиб чиқилган. Таржимада миллийликни сақлаш билан боғлиқ муаммолар ўзбек германистикасида тадқиқотчи томонидан маълум даражада ўрганилганлигини қайд қилиш зарур. У номзодлик диссертациясини 1982 йилда ёзганлиги сабабли асосан Эркин Воҳидов таржимасига суянган. Тадқиқотчи Гётенинг «Фауст» асарини таржима қилган Э.Воҳидов асардаги реалияларни беришда бир қатор чалкашликларга йўл қўйганлигини айтади. «Фауст» асари 1948 йили татар таржимони М.Максуд¹⁷, 1970 йили озарбайжон ва қирғиз таржимонлари Аҳмад Жамил¹⁸ ҳамда К.Нурсалиев¹⁹, 2018 йили қорақалпоқ таржимони Т.Мәтмуратов²⁰, 1982 йили қозоқ таржимони Медеубай Қўрбанов²¹, 2009 йили турк тажимони Iclal Cancorel²² томонидан ўз она тилларига таржима қилинди.

¹⁵ Эгамова Я. Асл нусхадаги қаҳрамонлар образини таржимада қайта яратиш масалалари. Филол. фан. номз... дисс. – Т., 1974; Нурматов У. Трагедии Шиллера на узбекском языке. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Т., 1985; Абдуллаева Р. Шиллер и узбекская литература. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Т., 1986; Жабборов С. Гётенинг «Ғарбу шарқ девони». Матн. Талқин. Таржима. Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Т., 1995; Исакова Ш.И. Бадий таржимада миллийлик ва тарихийликнинг акс эттирилиши (Ойбекнинг «Навой» романи французча таржимаси мисолида). Филол. фан. номз... дисс. – Т., 2004; Бақоева М.Қ. Англия, АҚШ адабиётидан ўзбек тилига шеърӣ таржима ва қиёсий шеършунослик муаммолари. Филол. фан. докт... дисс. – Т., 2004; Содиқов З. Содиқов З. Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» асарининг немисча ва инглизча таржималари қиёсий-чоғиштира таҳлили. Филология фанлари Доктори (DSc) диссертацияси. – Т., 2020; Жуманиёзов З.О. «Равшан» достони немисча таржималарида миллийликни қайта яратиш. Филол. фан. номз... дисс. – Урганч, 2008; Қобилжонова Г.К. Метафоранинг системавий лингвистик таҳлили. Филол. фан. номз... дисс. – Т., 2000; Досбоева Н.Т. Бевосита таржимада бадий услубни қайта тиклаш (Америка ҳикоялари таржимаси мисолида). Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Т., 2011.

¹⁶ Оллоберганов О. Воспроизведение единства содержания и формы подлинника в поэтическом переводе (на материале узбекского перевода трагедии «Фауст» И.В.Гете.). – Т., 1982. – С.177.

¹⁷ Гёте. Фауст / Таржимон М.Максуд. – Казан: Татгосиздат, 1948.

¹⁸ Гёте. Фауст / Таржимон Аҳмад Жамил. – Боку: Озарбайжан, 1970.

¹⁹ Гёте. Фауст / Таржимон К.Нурсалиев. – Фрунзе: Киргизистан, 1970.

²⁰ Гёте. Фауст / Таржимон Төлепберген Мәтмуратов. – Нөкис: Билим, 2018. – 480 б.

²¹ Гёте. Фауст / Таржимон Медеубай Қурманов. – Алмата: Жазуши, 1982.

Гётенинг «Фауст» асари турк тилига энг кўп таржима қилинган асарлар сирасига киради.

1970 – 1975 йилларда ўзбек шоири ва таржимони Эркин Воҳидов Й.В.Гётенинг «Фауст» асарини ўзбек тилига ўгириши тарихий аҳамиятга молик воқеадир. У ушбу йирик асарни оз эмас, кўп эмас, беш йил давомида, бошқа ижодий ишлар билан шуғулланмай таржима қилди. Эркин Воҳидов²³ асарни билвосита, яъни рус тилига ўгирилган вариантдан фойдаланиб қайта яратди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг «Фауст» асарини яна бир таржимон – Пошо Али Усмон²⁴ ўзбек тилига ўгиришга муваффақ бўлди. Пошо Али Усмон яратган таржима вариантынинг ҳам ўзига хос хусусиятлари, олдинги таржимадан фарқли жиҳатлари бор. Асосийси, Пошо Али Усмон бевосита, яъни немисча оригиналдан тўғридан-тўғри таржима қилди.

Бобнинг «Фауст» асарида бадиий образларнинг ўзига хос хусусиятлари” деб номланган учинчи фаслида “Фауст” асаридаги бадиий образларнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланди. Тадқиқот ишлари туркий тиллари билан боғлиқ бўлганда “образ” ва “тасвир” терминларини қўллаш масала моҳиятини янада ойдинлаштиради.

Адабиётшуносликда бадиий образлар турлича тасниф этилиши қайси жиҳат асос қилиб олингани билан боғлиқдир. Жумладан, ижодкор эстетик идеали билан муносабатига кўра: ижобий ва салбий образлар; ижодий методга кўра: реалистик, романтик ва бадиий образ турлари; яратилиш усулига кўра: фантастик, гротеск ва бошқа бадиий образ турлари; характер хусусияти ва эстетик белгисига кўра: трагик, сатирик, юмористик образлар билан фарқланади.

Асарнинг биринчи қисмида асосий қаҳрамонлар Фауст ва Вагнер сингари олимлар бўлиб, улар турли хил илоҳий ва дунёвий билимларни ўзида мужассам этган. Қуйидаги сатрлар бетакрор шоир Э.Воҳидов ва немис тили мутахассиси П.Усмон томонидан қандай таржима қилинганлигини кўриб чиқамиз:

FAUST:

Das Pergament, ist das der heil'ge Bronnen,

Woraus ein Trunk den Durst auf ewig stillt?

Erquickung hast du nicht gewonnen,

Wenn sie dir nicht aus eigener Seele quillt. («Faust» Goethe. 1969. S.149)

Фауст

Қоғоз боса билмас кўнгил ташнасин,

Тафаккур мифтоҳи китобда эмас.

Ҳаёт асрорига интилган ҳар кас

Ўз қалбидан топар сирлар чашмасин.

Фауст

Пергамент аталмиш донолик чашмаси

Мангу қондирулур чанқоғингни, наҳот?

Унутмагин, дўстим, қонмас қалб

ташнаси,

²² Гёте. Фауст / Таржимон Iclal Cancorel. – Истанбул: Антик дунё классиклари, 2009.

²³ Гёте Ё.В. Фауст / Олмон тилидан Эркин Воҳидов таржимаси. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1985. – Б.373.

²⁴ Гёте Й.В. Фауст / Олмон тилидан Пошо Али Усмон таржимаси. – Т.: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2007. – Б.218.

(Э.Воҳидов тарж. 1985. Б.26)

Оқмаса дилингда зиё, оби ҳаёт.
(П.Усмон тарж. 2007. Б.30)

Иккала олим ўртасидаги мулоқот дунёни идрок этиш муаммолари, дунёда инсониятнинг ўрни, вазифаси ва имкониятлари ҳақида боради. Вагнер шогирд, у, Фаустдан фарқли ўлароқ, фанга содик, аммо дунёқараши унчалик эмас эди. Фауст илмдан кўнгли қолғунига қадар худди Вагнердек ўрганар эди.

Диссертациянинг «**Й.В.Гёте «Фауст» асрида тасвирий воситалар таржимасининг назарий ва амалий масалалари**» деб номланган иккинчи боби тасвирий воситаларнинг қўлланиш доирасига кўра турлари, немис ва туркий тилларда тасвирий воситаларнинг поэтик кўринишлари, тасвирий воситаларнинг прагматик ҳамда лингвомаданият хусусиятларига бағишланган.

Иккинчи бобнинг биринчи фасли «Фауст» асарида тасвирий воситалар тасниф ва таҳлили» деб номланади.

Тасвирий воситалар – бадий асарда нарсаларни жонли тасвирлаш, ҳис-туйғу ва кечинмаларни ёрқин ифодалашга хизмат қилувчи тил воситаларининг умумий номи. Адабиётшуносликда ушбу тушунча *фигуралар, синтактик фигуралар, стилистик фигуралар, тилнинг поэтик воситалари, тилнинг бадий-тасвирий воситалари, образли воситалар, ифода-тасвирий воситалар* каби турли номлар билан ҳам юритилади.

Диссертациямизда тасвирий воситаларни она тилига таржима қилишда аслият тилининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш лозимлиги тадқиқ қилдик. Чунки баъзи кўчма маънодаги сўз ва иборалар таржима тилига тўлиқ мос келавермаслигини ҳамда «Фауст» асари аслияти ва унинг айрим туркий тиллардаги таржималарини таҳлил қилганимизда айрим кўчма маънодаги сўз ва иборалар аслият эквивалентларидан қисман, баъзи ўринларда жиддий фарқ қилишига гувоҳ бўлдик.

Тасвирий воситаларни ўрганган илк тилшунос олимлар Горй ва Трасимахдир. Кейинчалик тилшуносликнинг эстетик назариялари Аристотель томонидан ишлаб чиқилган²⁵.

Маълумки, шеър асарларда тасвирий воситалар кўп қўлланилади. Бу ифода сиқиклиги билан боғлиқ. Чунки тасвирий воситалар ёрдами билан у ёки бу қаҳрамоннинг табиатидаги муҳим томонлар бир неча сўз орқали, кенг тасвирсиз тушунарли бўлиб қолади, яъни камроқ сўз сарфлаб, кўпроқ таъсир ўтказишга эришилади. Эътиборни «Фауст» асаридан олинган қуйидаги мисраларга қаратамиз:

MARGARETE: Ich bin **ein armes junges Blut**;

Ach Gott! **der Herr ist gar zu gut**:

Schmuck und Geschmeide sind nicht mein. («Faust» Goethe. 1969. S.215)

²⁵ Знаменская Т.А. Стилистика английского языка. Основы курса. – М.: Эдиториал УРСС, 2004. – С.37.

Аслиятдаги **ein armes junges Blut** (*arm* – камбағал, бечора; *jung* – ёш; *das Blut* – қон, аммо **junges Blut** – ёш, ёш одам, ёш қиз) жумласига эътибор қаратайлик.

Ich bin ein armes junges Blut жумласини Пошо Али Усмон мен бояқиш – ёш бир ниҳол тарзида ўзбек тилига ўгирган.

Маргарита.

Мен бояқиш – ёш бир ниҳол,

Жаноб-чи, қандай баркамол!

Меникимас бу зеб-зийнат.

(П.Усмон тарж. 2007. Б.122)

У аслиятдаги *arm* – камбағал, бечора сўзини бояқиш тарзида ўгириб, билдирилган салбий ўхшатишни бўрттириб кўрсатган. Ваҳоланки, Гёте аслиятда Маргарита Мефистофелга нисбатан ҳали ёшлигини, унга муносиб эмаслигини фақирона ва камтарлик билан билдираётганини айтмоқчи бўлиши ҳам мумкин. Бундан ташқари, меникимас бу зеб-зийнат (*Schmuck und Geschmeide sind nicht mein*) жумласидан кўриниб турибдики, Маргарита – камбағал қиз.

Қорақалпоқ ва қозоқ таржимонлари таҳлилига эътибор қилайлик:

Жарлы қызбан, олай деме ҳеш.

Айтып турсаң кеўилим ушын?

Бул жасаўлар меники емес...

(қорақалпоқ тилидан: Төлепберген

Мәтмуратов тарж. 2018. Б.117)

Амал қанша, бикеш емес – кедейміз,

Мырза білмей айтып тұр ғой, нгей

деймііз?

Менікі емес мынау жабдық, жасау да.

(қозоқ тилидан: Медубай Құрманов

тарж. 1982. Б.52)

Қорақалпоқ ва қозоқ таржималарида ҳам бир хиллик, яъни (жасаўлар ва жабдық, жасау) тайёрланган деган маънони билдириб келмоқда.

Мутаржим Эркин Воҳидов томонидан **junges Blut** оддий қиз, *arm* хоним эмасман тарзида ўзбек тилига ўгирлан.

Маргарита.

Узр жаноб, хоним эмасман мутлоқ.

Оддий оиланинг оддий қизиман.

Меники эмасдир тақинчоқлар ҳам.

(Э.Воҳидов тарж. 1985. Б.86)

Аммо Эркин Воҳидов **ach Gott! der Herr ist gar zu gut:** жумласини қисқагина *узр, жаноб* деб ўгирган. Аслиятга эътибор берайлик: **ach Gott! (эй Худо; der Gott – Худо)** сўзини на Пошо Али Усмон, на Эркин Воҳидов таржимасида кўрамиз. Бу эса аслиятда берилган Маргаританинг ҳиссиёти таржимада сусайишига олиб келган.

Шу сатрларни услубий ва мазмун жиҳатидан таржима қилишга интиламиз.

MARGARETE: Ich bin **ein armes junges Blut;**

Ach Gott! **der Herr ist gar zu gut:**

Schmuck und Geschmeide sind nicht mein.

Мен бир камбағал ёш жувон;

Эй Худо! Ул жаноб бунчалар яхши:

Меники эмасдир зебу зар, ишон.

Таникли германист олим М.Умархўжаев таржима дунёси ва фалсафаси ҳақида қуйидаги фикрларни таъкидлайди: «Сўзнинг асл маъно-моҳиятини чакмасдан туриб таржимон асарнинг ички сирини оча олмайди, аслият руҳи ва мазмунини таржима қилинган тилда сўзлашадиган миллатнинг руҳияти билан уйғунлаштира олмайди»²⁶.

Бобнинг иккинчи фасли «Поэтик таржимада тасвирий воситаларнинг эквивалентлик хусусиятлари» деб номланган бўлиб, ушбу фаслда Генетик жиҳатдан турли тиллар оиласига мансуб бўлган немис ва туркий тиллари асосан лисоний жиҳатдан, яъни стилистик нуқтаи назардан қиёсий тадқиқ чоғиштириб, таҳлил этилган.

Шеърят таржимасида маъно эквивалентлигини таъминлашда юзага келадиган энг муҳим муаммолардан бири шеърда тасвирий воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ. Тиллар орасидаги таркибий фарқлар, сўз бойлигидаги фарқлар ва морфологик жиҳатдан турли хил тил гуруҳларига мансублиги таржимонларга муаммо туғдириши мумкинлигини эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Шеърят таржималарида керакли эквивалентлик даражасига эришиш учун тилшуносликнинг асосий тармоқлари бўлган стилистик, семантик ва синтактик усуллардан фойдаланиш зарурияти исботланди.

«Фауст» асарида муаллиф биргина тасвирий восита орқали бутун инсоният характери очиқ беришга ҳаракат қилганлигини аслият ва таржималар таҳлили орқали кўриб чиқамиз:

MEPHISTOPHELES:

Von Sonn' und Welten weiß ich nichts zu sagen,

Ich sehe nur, wie sich die Menschen plagen.

Der kleine Gott der Welt bleibt stets von gleichem Schlag,

Und ist so wunderlich als wie am ersten Tag. («Faust» Goethe. 1969. S.138)

Мефистофель

Инсон – коинотда кичкина худо,

Шундай яралган у азал ибтидо.

(Э.Воҳидов тарж. 1985. Б.15)

Мефистофель

Кишилиқ дунёнинг – кичик худоси,

Лек ўзгармас холи, оҳу нидоси.

(П.Усмон тарж. 2007. Б.94)

Ich sehe nur, wie sich die Menschen plagen.

Der kleine Gott der Welt bleibt stets von gleichem Schlag жумлаларини таржимон Эркин Воҳидов **инсон – коинотда кичкина худо**, Пошо Али Усмон эса **кишилиқ дунёнинг – кичик худоси** тарзида ўгирган, иккала таржимон ҳам аслиятда қўлланилган ўхшатишни маромида етказиб ўзбек тилига ўгира олишган. Аслиятдаги **die Menschen (кишилар, одамлар, инсонлар)** бирликда **der Mensch (инсон, одам, киши)** деган маъноларни билдиради. Аслиятдаги **der Mensch** тушунчаси ўзбек тилига қай тарзда ўгирилиши лозим? Агар **der Mensch** аслиятда бирликда келганида эди, унда **инсон** тушунчасини таржимада қўллаш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Аммо

²⁶ Умархўжаев М. Таржима дунёси ва унинг фалсафаси // Таржиманинг лингвокогнитив, коммуникатив-прагматик ва лингвокультурологик аспекти. Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Андижон, 2015. – Б.7.

аслиятда **der Mensch** эмас, балки унинг кўплиги – **die Menschen** қўлланилмоқда. Бунда кўпроқ таржимон Пошо Али Усмон танлаган муқобили аниқ қўлланилгани кўриниб турибди. Шунга қарамай, таржимон Эркин Воҳидов танлаган **инсон** муқобили ҳам маънони тубдан ўзгартириб юборган деб айта олмаймиз. Аммо Эркин Воҳидов **инсон** – **коинотда кичкина худо, шундай яралган у азал ибтидо** тарзида ўгириб, бу билан инсон ўзгармас, у ўзини коинотнинг худосиман деб ўйлайди деган фикрни ифодалаган. Бу жумлаларни Пошо Али Усмон **кишилиқ дунёнинг** – **кичик худоси, лек ўзгармас холи, оху нидоси** тарзида таржима қилиб, **инсон** ўзгармас, худди бу унинг тақдирига битилгандек деган тушунчани кўрсатган.

Бобнинг учинчи фасли «Тасвирий воситалар таржимасида прагматик ёндошув» деб номланиб, «Фауст» асари туркий тиллардаги таржималарида прагматика тилшуносликнинг аҳамиятига бағишланади.

Таниқли тилшунос олимлар В.Н.Комиссаров, Я.И.Рецкер, В.И.Тархов тилшунослик адабиётида таржиманинг қуйидаги прагматик томонларига эътибор қаратишади:

- 1) таржимон аслиятдаги сўзларнинг прагматик маъноларини етказди;
- 2) таржимоннинг прагматик вазифаси унинг ҳар бир таржимаси аниқлиги билан баҳоланади;
- 3) аслиятда ва таржимада коммуникатив эффектнинг тенглигини таъминлаш учун таржима матни прагматик мослашуви зарур²⁷.

сўзнинг прагматик маъноларини ўтказиш орқали таржимадаги ўзгаришларнинг қуйидаги усуллари мавжуд: тўлиқ эквивалент ёки қисман алмаштириш.

Ушбу турдаги ўзгаришларни батафсил кўриб чиқамиз:

Манба тилининг одатий, лингвистик тасвирлари учун имкон даражасида таржима тилида тенг даражадаги тасвирий воситаларни топиш талаб этилади. Қуйидаги сатрларни таржималарига эътибор қаратайлик:

GEISTER (auf dem Gange):

Жинлар (Ташқарида)

Drinne gefangen ist einer!

Бир дўстимиз тутқинда –

Bleibet haufen, folg ihm keiner!

Йўл йўқ ичкари.

Wie im Eisen der Fuchs,

Лек ёрдамга шай бунда

Zagt ein alter Höllenhuchs.

Жинларнинг бари.

(«Faust»Goethe. 1969. S.168)

(Э.Воҳидов тарж. 1985. Б.42)

Аслиятдаги *Wie im Eisen der Fuchs* тасвирий восита, яъни ўхшатиш бўлиб, ўзбек тилига *қопқонга тушган тулкидек* деган маънони беради. *Im Eisen* сўзма-сўз таржимада *темир ичида* маъносини берса ҳам, бу жумлада *Wie im Eisen* темир қопқон ичига тушиб қолган маъноси берилади. Немис адиби Г.В.Жонеснинг «*Der Fuchs im Eisen: Der Mörder kam vor Mitternacht*»²⁸ номли криминал романи бор. Романда айнан жиноятчиларнинг қўлга тушишини муаллиф *der Fuchs im Eisen* ўхшатиши орқали изоҳлаб келган.

²⁷ Комиссаров В.Н., Рецкер Я.И., Тархов В.И. Пособие по переводу с английского языка на русский. – М.: Высш. шк., 1965. – С.92.

²⁸ Jones G.W. Der Fuchs im Eisen: Der Mörder kam vor Mitternacht. 1966. – S.254.

Ўзбек тилида ҳам тулкининг думи қопқонга илинди каби ўхшатишлар мавжуд. *Zagt ein alter Höllenluchs* жумласига изоҳ берамиз. *Höllenluchs* жаҳаннам ёлғони ёки дўзах бўғзи деган маъноларини англатиб келади. Гёте *Zagt ein alter Höllenluchs* жумласи орқали шеърятда диний ва фалсафий маконни ёритиб, Мефистофель шайтонларнинг энг ёмони ва қудратлиси эканлигини айтиб ўтган. Бундан кўришиб турибдики, асарда Фауст шайтонларнинг энг қудратли ва ёвузи билан кураш олиб борган. *Wie im Eisen der Fuchs* жумлаларида назарда тутилганидек, у Фаустни худди қопқонга тушган тулкидек илинтиргани баён қилинмоқда.

Прагматика тилшуносликнинг бўлими сифатида мулоқотга жалб қилинган одамларнинг лингвистик ва нолингвистик тажрибасига қараб турли хил тил бирликлари ва нутқ асарларининг коммуникатив жараён иштирокчилари томонидан ҳар хил тушунилиш даражаси ва уларни турлича талқин қилиш билан боғлиқ барча саволларни ўз ичига олади

Диссертациянинг **«Фауст» асарининг туркий тилларга таржималарида тасвирий воситалар таҳлили»** деб номланган учинчи бобида «Фауст» асарининг туркий тиллардаги таржималарида тасвирий воситаларни конкрет таҳлил қилишдан иборат.

Бобнинг биринчи фасли «Фауст» асари таржималарида метафоранинг ифодаланиши» деб номланган.

Метафора атамаси пайдо бўлганидан буён ўтган икки ярим минг йилдан зиёд вақт давомида метафора, метафориклик масалаларига бағишланган кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Агар антик даврда метафорага кўпроқ риториканинг объекти сифатида қаралган бўлса²⁹, кейинги даврларда унга поэтиканинг, аниқроғи, поэтик стилистиканинг объекти сифатида қаралди, шарқ ва ғарб олимлари томонидан атрофлича тадқиқ этилди.

Г.Қобулжонова метафора ва унинг лингвистик табиатини қуйидагича таърифлайди: «Метафора асосида ном кўчиши предмет, белги, ҳаракат, ҳолатларнинг кенг маънодаги ўхшашлигига асосланади. Асос конкрет, абстракт бўлиши мумкин. Метафора тузилишига кўра содда ва кенгайган, бадийий ҳамда лингвистик метафораларга ажратилади»³⁰.

Метафора бўйича олимлар фикрларини ўрганиб чиқиб, диссертациямизда қуйидаги турлар асосида таҳлил қилдик:

- 1) метафора сўз маъносининг мавжуд бўлиш усули сифатида;
- 2) метафора синтактик семантиканинг ҳодисаси сифатида;
- 3) метафора коммуникатив ҳодисада маъно етказиш усули сифатида.

«Фауст» асарида Фауст образи мажозий маънога эга бўлиб, у бутун асарни қамраб олган яхлит бир метафора, яъни инсоният ва унинг орзуси ўртасидаги ўхшашликка асосланган тасвирий воситадир. Фауст яхшилик ва

²⁹ Аристотель. Риторика. Поэтика. – М.: Лабиринт, 2000; Цицерон Нотиклик санъати ҳақида икки рисола. – Т., 2007. – Б.299.

³⁰ Қобулжонова Г.К. Метафоранинг системавий лингвистик талқини: Филол. фан. номз... автореф. – Тошкент, 2000. – Б.9.

ёмонлик ўртасида бадиий образ, билимга чанқоклиги ва бахтли яшаш истаги, янгисини орзу қилиш ва бор нарсангизни йўқотиш кўрқувини акс эттиради. Мухтасар қилиб айтганда, Фауст образи – ҳар бир инсон орзусидаги шахс.

Тилшунос В.Карабан метафорани бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишнинг учта асосий усулини ажратиб кўрсатган³¹:

Бу ҳолат аслият ва унинг таржималарида баён қилинган:

тасвирнинг бир хил ёки ўхшаш хусусиятига эга бўлган метафора сўз:

O liebe Hand! so göttergleich!

Die Hütte wird durch dich ein Himmelreich.

Und hier!

(Er hebt einen Bettvorhang auf.)

Шоир қаҳрамонларни характерлаш сюжетга образ ва динамика бериш учун метафорадан моҳирона фойдаланганлиги ўқувчини ажаблантирмасдан қолмайди.

O liebe Hand! so göttergleich! Гёте томонидан айтилган жумла бутунлигича метафора бўлиб, муаллиф ибодатга кўтарилган қўлларнинг самога етажаги, Яратганга тезроқ қурбат ҳосил қилажаги ёритиб берилган.

Мисолдаги бош қаҳрамоннинг ҳолати – «**O liebe Hand**» метафораси намоён бўлишида қўлларнинг, яъни «**O liebe Hand**» (ох, суюкли қўллар) инсоннинг илоҳий эҳтиёжларини, аниқроғи қўлларни дуога кўтариш ҳолати назарда тутилмоқда. Аслиятдаги **die Hütte wird durch dich ein Himmelreich** жумлаларига эътибор берсак, оддий кулба (**die Hütte**)да ибодатга кўтарилган қўллар инсонни жаннат (**ein Himmelreich**)га олиб бориши айтилмоқда. Буюк немис даҳоси аслиятда нима демоқчи эканлиги, асардаги тасвирий воситаларни таржимонлар ўз она тилида нечоғлик ифодалай олганликларини кўриб чиқамиз. Шоир ва таржимон Эркин Воҳидов:

Нозик бармоқларинг сенинг баногоҳ

Шу оддий кулбани қилмиш саждагоҳ.

Бунда эса ... (Э.Воҳидов тарж. 1985. Б.80)

Аслида, Эркин Воҳидов аслиятдаги метафорани метафора билан таржима қилган. Аммо асл нусхадаги маъно бутунлай ўзгариб кетганлигини кўришимиз мумкин. **Нозик бармоқларинг сенинг баногоҳ**, яъни аслиятдаги «**O liebe Hand**» **нозик бармоқлар** деб таржима қилинган. **Hand** немис тилидан ўзбек тилига сўзма-сўз таржима қилинганда **қўл** деган маънони беради. Немис тилида **бармоқ Finger** дейилади. Таржимада **баногоҳ** равиши ишлатилгани аслиятдаги маънога бироз путур етказган. **Баногоҳ тўсатдан, кутилмаганда**³² маъноларини беради. Аслиятда **бармоқлар** эмас, балки **қўл (Hand)**, қолаверса, юқорида келтирилган асл нусхадаги мисоллар асарнинг ОҚШОМ (**Abend**) пардасидан олинган. Фауст кулбасида ёлғиз қолиши ҳамда унинг Яратганга илтижоси очиб берилган. Шу ўринда **so göttergleich!** (*худо суратидаги, санам, пок*) метафораси (кўчими) берилган.

³¹ Карабан В. І. Посібник-довідник з перекладу англійської наукової та технічної літератури на українську мову. Част. 2 (Термінологічні та жанрово-стилістичні труднощі). – Вінниця: Нова книга, 2001. – С.203.

³² Ўзбек тилининг изоҳли луғати / А.Мадвалиев таҳрири остида. 1-жилд. – Т.: ЎЗМЭ, 2006, –Б.160.

Таржимон Пошо Али Усмон аслиятни ўзбек тилига бевосита, яъни немис тилидан шундай ўгирган:

Қўллари́нг мангу дард кўрмасин, паризод!

Жаннат айлабсан сен бу кулбахонанг (П.Усмон тарж. 2007. Б.114)

Кўриб турганимиздек, Пошо Али Усмон таржимасида ҳам асл нусхадаги метафора маъноси бутунлай ўзгача таржима қилинган. Таржимада, албатта, аслиятга хос бўлган табиат бутунлай йўқолиб кетмаган. Гётенинг тасаввуф билан йўғрилган жумлаларини она тилига таржима қилиш учун немис тилини билиш ёки назмда қофияларни чиройли мослаштиришнинг ўзи етарли эмас, ўша тил маданияти, асар ёзилган замон, муаллиф яшаган макон, Гётенинг файласуфона фикрларини чуқур ҳис қилиш лозим.

Қорақалпоқ таржимони Төлөпберген Мəтмуратов қуйидагича таржима қилган:

Эйтеўир бөлмени сен болсан қашшан

Эжайып ханаға айландырыпсан!

Бул жерде! ... (қорақалпоқ тилидан: Төлөпберген Мəтмуратов тарж. 2018. Б.110)

